

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎҚУТ
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НЕФТ ВА ГАЗ ФАКУЛЬТЕТИ

«Атроф мухит муҳофазаси» кафедраси

Лойihalаш асослари ва экологик экспертиза
фанидан

Курс иши

Мавзу: Лойihalаш тарихи. Ўзбекистон меъморчилиги

Бажарди: Холиков Л.

Қабул қилди: т.ф.н. доцент Ибрагимов Н.И.

Тошкент 2013 йил

1. КИРИШ

Амир Темур ва Темурийлар давридаги то бизнинг кунларгача сакланиб қолган мухташам санъат обидалари уз даврида Сохибқирон хомийлигида мамлакатда меъморчилик ва шаҳарсозлик нақадар ривожланганлигидан далолат беради. Бу даврда меъморчилик айниқса раванқ топи. Сохибқироннинг бу ёдгорлик сузларига кулок беринг: «Хар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақохлар қуришни, йуловчи мусофирлар учун йул устига работлар бино қилишни, дарёлар устига куприклар қуришни буюрдим».

Яна бир уринда Амир Темур таъкидлайдилар: «Яна амр этдимки катта кичик хар бир шаҳар, хар бир кишлокда масжид, Мадраса ва хонақохлар бино қилсинлар, факиру мискинларга лангархона (мусофирхона) солсинлар, касаллар учун шифохона курдирсинлар ва уларда ишлаш учун табиблар тайинласинлар. Хар бир шаҳарда дорул-аморат (хукмдор саройи) ва дорул адолат (адолат саройи) курсинлар!»

Бу каби бошка куплаб тарихий хуж жатларда Амир Темурнинг меъморий дахоси куламини. бунёдкорлигининг бекиёслигини, кейинги асрлар меъморчилик санъатига хомийлигини яккол кузатиш мумкин. Амир Темур даври улкан бунёдкорлигини уз кузи билан курган муаррих Ибн Арабшоҳ дорус салтана Самарқанддаги хайратомуз би ноларни назарда тутиб: «Обидаларимиз (авлодларга) бизнинг кимлигимиздан далолат беради», — деб гурур тула кутаринки рухни ифодалаган.

Сохибқироннинг меъморий бунёд корлиги соҳасидаги бекиёс ишларини Шаҳрисабз, Самарқанд, Бухоро, Тошкент ва Туркистон шаҳарларида хозиргача сакланиб қолган ноёб ва нодир обидалар мисолида қуриб турибмиз. Темурийлар давридаги бундай улкан бунёдкорлик жараёни натижаси уларок кенг куламда меъморчилик муъжизалари яратилгани фикрларнинг далилидир.

Амир Темур даврида доруссалтана Самарқандга мохир санъаткор усталарнинг кучириб келтирилиши шаҳарнинг мисли қурилмаган маданий раванқ то пишига замин хозирлади. Самарқанд тез орада Марказий Осиё ва Урта Шарқнинг мохир меъморлари жам булган масканга айланди.

Махаллий ва четдан келган меъморлар ҳамда бинокор усталарнинг ҳамкор ижоди туфайли Мовароуннаҳр меъморчилигининг энг сэра анъаналари негизида меъморчиликда бадий ижодиётнинг гузал намуналари вужудга келди. Бино лойихасини ишловчилар сифатида меъмор, муҳандис, ал-банно, устод номларини учратамиз. Ижодкор усталар доим Амир Темур атрофнда булишган. Амир Темур даврида лойиха тузиш санъати ривожланиб, хатто ижодкор меъмор ва муҳандислар уртасида узаро танловлар утказилиб, энг макбули тавсия этилган. Бунёд этилаётган меъморий обида хар жихатдан мукамал, хушқад, шаклу шамойили мутаносиб, безаклари нафосат билан етук санъат асари даражасида бажарилган. Амир Темур меъмор-муҳандисларни «салтанат корхонасига ривож берувчилар» каторида уз атрофига туплади, «Муҳандислар билан итгифокда олий иморатлар барпо этиб, богу-бустонларнинг лойиха-тарихини чиздирдим», дейди Сохибқирон. Уша давр тарихий хужжатларида меъморлардан Хожа Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалд, Муҳаммад ион Маҳсуд Исфажоний, бор тузиш устаси Ши хобуддин Аҳмад Зардақаший, мусаввир ва наққош Абдулхай Бардодий, тоштарошлик устаси заргар Олтин, меъморий ёзувлар хаттоти Шайх Муҳаммад Табризий каби номларни уч ратиш мумкин. Бирок устоз санъат корлар номларининг аксарияти унут булиб кетган.

Шохрух даврида меъмор Кавомид диннинг номи Хуросон шаҳарларида айниқса машхур булган. Бобурийлар даври меъморчилигининг шох асарларидан булган Тоҷмахал безаклари орасида Муҳаммад Шариф Самарқандий ва Ота Муҳаммад Бухорий номлари сакланиб қолган.

2. Асосий қисм

2.1. БИНОКОРЛИК АШЁЛАРИ

Курилиш соҳасида қадимдан соз тупрок хом ва пишик гишт, ганч, ганч хок, ёғоч, камиш, тош каби маҳаллий ашёлардан фойдаланишган. Синчкор иморатлар уй-жой курилишининг асосини ташкил этган. Том вассажуфт (токи)лар билан беркитилган. Ганчкорлик кенг кулланилган. Ганчкор безак турлари жуда куп. Буртма ганч безакнинг энг нафис тури — кун дал устидан, одатда, зарҳал берилган. Наккошликда, асосан, маҳаллий маъдан буёқлари ишлатилган. Наккошлик бино ичкарасидаги нозик ва нафис безакларда кенгрок урин эгаллаган. Бино ташкарасидаги безакларда оддий сопол, сиркор сопол-парчин ва қошиқ кенг кулланилган. Бино пойдеворида тош парчалари ишлатилган; ташки изора каби безакларда хар хил уймакор, мукарнас, гирих шакллари билан тоштахталарни қурамиз. Икки-уч қаватли уй курилишида синч кенг кулланилган. Қучма ва йигма бинолар асосида меъморий конструкцияларнинг янги имкониятлари синовдан утказилиб, сунгра кенг кулланишга тавсия этиларди. Амир Темурнинг бундай йигма масжидини хайрат билан томоша қилган Клавиҳо: «Масжид шундай қурилган эдики, зарур ҳолларда уни булақларга ажратиб, тахлаб қуйиш ҳам мумкин» — дейди. Гиштин биноларда равоқ гумбаз асосидаги конструкциялар кенг кулланилган, иложи борича қатта сахнлар усти беркитилган. Амир Темур даври меъморчилигидаги баланд тоқу равоқларни қузатар эканмиз, Шарафиддин Яздийнинг: «Агар осмон гумбази булмаганида масжид баъзи ноёб меъморий ёдгорликларда уч доблики гумбазлар ҳам пайдо булди. Машхур мусаввир Қамолиддин Бехзоднинг бир жажжи тасвири Самарқанддаги Жоме масжидининг қурилиш жараёнини жуда муқаммал қурсатган. Тасвири дикқат билан урганар эканмиз, беихтиёр Алишер Навоийнинг худди шундай «бино олий равоқилга ҳаво боғлангани, сутунларга тошлардан пилпоя ясалгани. нажжор арраси билан ёғочни қесиши, лойқаш белқурак билан лойга ишлов бериши. хоротарош теша билан тошни мумдек йуниши қордонлар нақш пардоз қилиши ҳақидаги ҳикояти эсга тушади.

2.2. ШАХРИСАБЗ - АМИР ТЕМУР ВАТАНИ

Амир Темур ватанининг Шахрисабз деб аталиши бежиз эмас: шаҳар, ҳақи қатан, ям-яшил, сер-сув, баҳаво жаннатмақон ерда жойлашган. Илғари унинг номи Қеш (Қаш) булган. Исломият даврида илмлар марқазини сифатида «Қуббатул-илм ва-л-адаб», яъни «Илм ва адаб гумбази» деган шарафли мақом машхур булган. Сохибқирон Амир Темурнинг қиндик қони туқилган Ватанига қелган Испания элчилари (1404 йил, август ойи) уни «қатта шаҳар» сифатида таърифлайдилар. Қалъа деворлари, буржу дарвозалари Амир Темурнинг амри билан ва шахсан унинг раҳбарлигида қурилган. Деворнинг узунлиги тахминан 5 километр булиб, тарҳи 770 x 1730 метр масофадаги турри туртбурчак қалъа эди: хар тарафида қуш минора, пештоқли дарвозаҳона орқали ичкарига қириш мумкин булган. Испаниялик элчилар Амир Темурнинг бунедкорлик фаолияти билан боғлиқ, барча иморатларни дикқат билан қуздан қечиришган. Уша вақт иморатлари бизгача дастлабки қиёфасини қисман йуқотган ва вайрона ҳолда етиб қелган, баъзилари бутунлай бузилиб қетган. Шунинг учун ҳам уларни уз қузи билан қурган Қлавихонинг воқеий маълумотлари ҳозирги меъморчилик тарихи ва **амалиёт**н учун алоҳида қимматга эга. Шайх Шамсуддин Қуллол Шахриабзда энг ҳурматли авлиё ҳисобланган. У Амир Темур ҳонадонига жуда яқин булган. Отаси Амир Тарагай уз пири олдиға янги туғилган фарзандни олиб қелганда, Шайх Қуръон қуриб болага Темур исмини қуяди. Амир Темурнинг эътироф этишича, ёшлигидан авлиёнинг насихатларини олган. салтанатда эришган шавқатли зафарларга уша пирнинг хомийлиги ва қиммати қатта ёрдам берган.

Амир Темур Мовароуннахр хукмдори деб эълон килинган йилда (1370 йил) Шайх Шамсуддин Кулол вафот этган ва катта иззатикром билан Шах-рисабзнинг жанубий сархадидаги манзилга кумилган. Авлиё кабри устига тиоанган гумбазли макбара туфайли муборак кабрстонга айланди.

Амир Темур 1374 йилда пирининг кабри ёнига янги курилган макбарага отаси Амир Тарагайнинг кабрини кучиртирди. Масжиди Жоме билан боғланиб ташкил топган меъморий мажмуа Дорул-тиловат, яъни мархумлар рухига тиловат килинадигап маскан номи билан машхур булди. Мазкур мув;аддас манзил шаркда, шаҳарнинг кухна Симхона дарвозаси енида бошка бир улкан меъморий мажмуа — Дорус-сиёдат, яъни Пайгамбар авлодлари — саййидлар уйи кад кутарди. Шарафуддин Али Яздий таъкидлаганидек, Кеш — Шахрисабз шаҳрида Пайгамбар хадисларини туплаб, шархловчи мухаддислар куп булган. Булар орасида Хазрати Имом сифати билан элга танилган Ибн Наср ал-Кеший (865 йилда вафот этган) Кешнинг жануби-шаркий сархддида дафн этилган. Амир Темур томонидан бунёд эттирилган улугвор иморат хозир Хазрати Имом номи билан аталади. Мазкур имомнинг муборак исми-шарифи 1868 йилда урнатилган уймакор эшик китобасига битилган. Хонакох, иккита макбара ва ховли атрофидаги бир неча хужралар меъморий мажмуа таркибига киради. Иморатнинг олд гомони баланд ва кенг пештоқдан иборат булиб, пештоқнинг фацат шимолий қисми кулайи гумбази ва бурчакдаги минораси билан сак-ланиб колган. Меъморий муъжйза, хисобланган мухташам Оксарой мажмуи курилиши 1380 йилда бошланган булса, 1404 йил кузида хам бу афсонавор ва бекиёс саройда пардоз ишлари давом этар эди. Таърифи тилларда дoston булган Оксарой бинолари замонлар утиши билан бузилиб кетган. Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо синчковлик билан ёзиб колдирган таассуротлар меъморчилик тарихи учун ягона гувоҳ-хужжат булиб колмокда. «Саройга кириш жойи жуда узун ва дарвозаси жуда баланд, шу ернинг узида, кираверишдаги унғ ва чап томонларда кошинкор безатилган гиштин равоклар жойлашган. Бу равоклар ичида эшиксиз кичик хоналар кошинкор сахнли суфалар бор. Дарвозадан утганда бошкаси кузга ташланади, унинг ортида эса ок тош-тахталар ташалган катта ховли, атрофи хашаматли безатилган айвонлар билан куршалган ховли уртасида катта ховуз бор. Ховлининг кенглиги чамаси уч юз кадам...».

Пештоқдан утгач, тугри туртбурчак кенг хрвлининг бош укида икки току равокли айвон булган. Гумбазли катта хоналарда куринишхона. девонхона хизматчиларининг йигинлари утказилган. Пештоқ-айвонлар орасида унча катта булмаган кушкават хужралар катори булган. Сохибкирон саройида куринишхона асосий уринни эгаллаб, дабдабали, серхашам куриниши билан ажралиб турарди. Куркам, махобатли пештоқ тепасида Амир Темурнинг уч халқдан иборат тугроси Арслон ва Куёш мужассами шаклларида берилган.

Элчи сарой ичкарасидаги зебу зийнатли безаклар хакида хайрат билан ёзади: «Бу эшик оркали чорси куринишхонага кирамиз: деворлари олтин ва ложувард кошинлар билан безатилган, шифти бутунлай зархалланган. Бу ердан элчилар юкори каватга олиб чи-килган. Хонакохнинг хамма тарафи заржал булгани учун уларнинг бири Хасида муфассал сузлаб бериш мумкин. Оксарой утмишдаги бекиёс улугворлигининг далили сифатида бош пештоқнинг икки рукни вайроналари хозиргача сакланиб колган. 22 метр кенгликдаги пештоқ равоки, икки томондан минорасимон буржлар ва даханаси билан диккатни жалб этади. Пештоқнинг тепа қисми сакланмаган. Худди шу ердаги уч лоира — куёш ва арслон тасвири билан кошинкорий безаклар ниҳоятда мухим ахамиятга эга булган.

Пештоқнинг махобатига махлиё булган Захириддин Бобур «Мупча олий ток оламда кам нишон берулар. Дерларким, Кисро токидин бу буюкроқдир» — деган эди. Ха Марказий Осиё меъморчилигида бундай буюк бино булмаган. Оксарой Марказий Осиё меъморчилигида халқ меъморлари ижодининг энг юксак чуққиси сифатида сунмас истейдод за меъморий изланишлар намунаси булиб колади.

2.3. САМАРКАНД - ФИРДАВСМОНАНД ДОРУССАЛТАНА

Амир Темур Самарканд шаҳрINI ривожлантиришга, гуллаб-яшнатишга алоҳида ихлос куйган эди. Давлат пойтахтига айланган Самаркандда 1370 йил июнида курултой чакирилиб, унинг улкан шаҳарсозлик тадбирлари ҳақидаги режалар белгилаб олинди. 1371 йили қисқа муддат шаҳар атрофига мудофаа истехкоми вазифасини бажарувчи қалъа девори буржлари билан олтита дарвозахона барло этилди. Ошанин, Феруза, Сузангарон, Гозуристон (Коризгоҳ), Бухоро ва Шайхзода (Чорраха) дарвозалари шаҳарнинг олти тарафидан келадиган йулларни белгилаб турарди. Дарвозалардан бошланган шаҳар кучалари марказий бозорга бориб уланарди. Самарканд бинокорлик куламининг кенглиги қатта шаҳарсозлик ишлари бажарилишини такозо этарди. Айрим хиёбон ва майдонлар япгича қиёфага эга булди. Чорсу бозорини Ошанин дарвоза с и оддидаги янги меъморий мажмуа билан қулай туташтириш учун янги хиёбонлар барпо этилди. Меъморий хусусиятлари яққол намоён булган бу янги қурилиш анъанавий савдо растасининг узига хос намунасидир. Умуман бозорлар, улардаги дукон устахона ва хар хил бинолар шаҳарнинг меъморий қиёфасини белгилайди. Хозирги Регистон яқинида Амир Темур малика Туман оқа бегим учун қурдирган Токи Телпақфурушон деб аталувчи гумбазли бозор биноси булган.

Куксарой. Амир Темур бунёд эттирган иккинчи улкан иморат Куксарой номи билан машҳур. Шаҳарнинг кун-ботар томонидаги қалъа — Арқи Олий Қиёфаси анча узгарди. Амир Темур бу ерда атрофи мустаҳкам уралган қалъа бунёд этди. Маҳобатли дарвозахоналар қурилди, қалъа ичига маҳсус обмури орқали сув келтирди.

Бу ерда қал қутарган «турт ошиёнлик» Куксарой хар жихагдан ажралиб турарди. Сарой теварагини латиф Бустонсарой боғи қуршаб турган. Куксаройнинг турт қаватли улкан иморат булганлиги унинг нақадар улурвор маҳобатли ва ноёб эканлигидан дарак беради.

Амир Темур Жоме масжиди. Бу буюқ меъморий обида Соҳибқирон тасдиқлаган лойиҳа асосида бошланиб, жуда тез суръатлар (1399—1404) билан қурилган. Бу иншоот угла даврнинг энг қатта ва энг муҳташам Жоме масжиди булиши қерак эди. Худай шундай қи-либ қурилди. Масжиднинг саклапиб Қолган қолдиқлари ҳам уз маҳобати билан хайратга солади.

Туман оқа масжиди. Шоҳи Зинда меъморий ҳазираси — некрополи энг юқррисидаги ҳовлининг гарбий томонида узаро боғлапган икки бино — масжид ва макбара бор.

Масжиднинг қузинчок хонасига уқта эшиқдан қириш мумкин. Уртадаги эшиққа чортоқ орқали утамиз. Масжиднинг меъморий конструктив тузилиши — равоқ ва гумбазлар, изора ва муқарнаслар узаро мутаносиб белгиланган. Жанубий эшиқ устидаги қошинли битиктаржимаси: «Ҳазрати Малика Хай-рун-Нисо номли Туман оқа, одил Амир Мусонингқизи, Аллох уни ёрлақасин ва раҳматига мушарраф этсин. Аллох таолонинг иродаси ила ушбу масжид пойдеворини қурдирди». Ушбу тарихий битик муҳим аҳамиятга эга: дарвоқе, масжидни бунёд этган шаҳе «ҳазрати малика» Туман оқа Амир Мусо қизи, унинг болалигидаги исми Хайруннисо эканлиги тасдиқланади.

Масжиднинг шимол томонига туташ макбара ҳам малика номи билан боғлик. Туман оқа макбараси. Макбара муъжазгина чорси хонадан иборат. Турт тарафидаги равоқлар юқорида сакқиз раҳлм равоқчалар халқаси орқали гумбаз ости безақларига боғланган. Ташқи томондан хушқад қошинқорий пештоқи ва баланд қук гумбази билан қиши диққатини жалб этади. Бинонинг ички ва ташқи безақлари уз қасбининг моҳир усталари томондан бажарилгани қузга яққол ташланади. Бино пештоқи безақлари ичида муҳим тарихий маълумотлар қисман сакланиб қолган. Бино санаси 808 хижрий, яъпи 1405 йил деб қурсатилган.

Кушгумбазли бино Шохи Зинда меъморий мажмуидаги Амир Темур даврининг ажойиб ёдгорлигидир. Узаро богланган икки чорси хона: каттаси — зиёратхона, шимол томонидаги кичигида — гурхона жойлашган. Гурхонада битта кабр тоши унинг остида тагхона — сардоба бор. Хоналар баланд, усти кук гумбазлар билан богланган. Кошинкор ва безаклари жозибали. Ичкарида накшли безаклари нозик ва нафис. Кусам ибн Аббос меъморий мажмуи. Шохи Зинда номи билан машхур зиёратгохдир. Пайгамбар Мухаммад алай-Хиссалом амакисининг угли шу манзилда шахид булган ва дафн этилган. Амир Темур замонида бу меъморий мажмуа анча кенгайтириб таъмирланди. Зеро, Амир Темур салтанат тутишдаги дастлабки шиори хакида: «Давлат ва салтанатимга богланган. лекин биринчи тузугим — Тангри таолошшг дини ва Мухаммад Мустафонинг шариатида дунёда ривож бердим. Хар ерда ва хар вақт ислом динини кувватладим» деган эди. Шохи Зинда кабристони учинчи чортокнинг кунчиарида хайратангез нафис ва бадий дид билан безатилган уймакор эшик бор. Унда устоз Юсуф Шерозий номи ва 807 хижрий (1404 йил) Кайд этилган. Эшик ортидаги нимкоронги миёнхонадан изораси ва меҳроби кошинкор безатилган маежидга утилади. Бу маежидга туташ XII аср биносининг бир минораси ва уймакор ёгоч араки тусин сакланиб колган.

Масжиднинг иккинчи эшигидан гумбазли чорси зиёратхонага утилади. Унинг жанубига Кусам ибн Аббоснинг муъжазгина гурхонаси туташган. Уртада сиркор ва накшинкор безатилган ажойиб сагана. Бу уша давр сиркор безакларининг энг куркам намунасидир. Сагананинг учинчи погонасида Куръони каримнинг «Аллох йулида улдирилганларни улик деб хисобламанг! Иук улар тирикдирлар!» ояти битилган. Бу оят кабристонга берилган «Шохи Зинда» — «Тирикшоҳ» номига богланиб кетади. (Баъзи талкинларга кура — «шахид зинда»). Хожа Ахмад макбараси — Шохи Зинданинг энг юкорисидаги гумбазли чорси хонадан иборат бино. Ташки пешгокнинг сиркор безаклари ниҳоятда юксак санъаткорона бажарилган. Бу бинони XIV асрнинг 60-йилларида меъмор Фахрвали бунёд этган. Шохи Зинда меъморий хазирасидаги бири-биридан ажойиб макбаралар Амир Темур авлодлари, хусусан унинг синглиси кутлуг Туркон ока синглиси Ширинбека ока матикалар Улжой Туркон ока кариндошларидан Шод Мулк ока каби аёллар осойиш топган манзиллардир. Шохи Зинда меъморий мажмуи Марказий Осиёнинг Амир Темур даврида меъморчилик соҳасида эришилган безак намуналарининг биридир.

2 .4. Амир Темур ва Темурийлар макбарасп

Самарканднинг Тошкурғонида жойлашган, эл орасида Гури Мир номи билан маълум ва машхур бу бино катга меъморий мажмуанинг маркази хисобланади (XIV аср охири — XV аср бошлари). Тантанавор пештокли даргохдан чорси ховлига утилади. Тугрида улугвор гумбазли макбара, кунчиарда — Мухаммад Султон мадрасасининг колдиклари, кун-ботарда эса хонакоҳ булган. Макбара зиёратхона асоси чорси-чорток, устига баланд пилтавор гумбаз богланган. Уртада Амир Темур, унинг угиллари Шохрух, Мироншоҳ, набирахтари Мухаммад Султон, Улугбек ва бошқаларнинг кабр тошлари хар бир кабртош уймакор битиклар билан безатилган. 1948 йилда А. А. Семёнов Амир Темурнинг кабридаги ёзувларни биринчи марта тула-тукис укиб, илмий таржима кил ганда нефрит тахтачага тук, кук нефрит тошнинг келтирилиши хакидаги маълумотлар ёзилганлиги маълум булди. Семёновнинг бу иши Амир Темур номи билан боғлиқ тош ёзувлар ёдгорликларини урганишга кушилган катта хисса булади. Сохибкироннинг бош томонида унинг пирларидан Мир Саййид Барака осойиш топганлар. Макбара тагхонасида уша зоти шарифларнинг кабрлари жойлашган. Бу ерда хам кабр тошлари бор. Зиёратхона ниҳоятда сербезак. Деворлар буйлаб турли хил накшли безаклар мавжуд. Гумбаз ости безакларида буртма накшлар — кундал кенг кулланган. Зархал пардоз ва заминдаги зангори накшлар. мукарнаслар, гирихлар зиёратхона ичига алоҳида маҳобат бағишлайди. Даргох пештоки равогининг

ичидаги кошинкор битикда «Ал-банно меъмор Мухаммад ибн Махмуд Исфохоний» номи сакланиб колган.

Рухобод. Тошкургондаги Мухаммад Султон меъморий мажмуи билан Арки Олий хиёбонга бирлаштирилган булиб, орасида муъжаз боғлар ҳам бор эди. Шундай боғлардан бирида XIV аср 80-йилларида вафот этгаи шайх Бурхониддин Соғаржийнинг макбараси булган. Амир Темур шайхга алохида эхтиром курсатиб курдирган макбара хозир ҳам ахоли орасида Рухобод номи билан мукддас зиёратгоҳ сифатида ардокаланади.

Кутби чахордахум — «Ун гуртинчи кутб» фахрли кунясига сазовор кароматгуй авлиё шайх Нуриддин Басир кабри устига тиклангаи макбара Арки Олийнинг энг кузга ташланадиган жойида булган. Рассом А.Верешчагин ишлаган тасвирда макбаранинг шаклу шамойили, унинг куркам киёфаси ягона хужжатдек мухрланиб долган. Макбара баъзи амалдор, харбийларга ёкмагани учун XX аср бошларида атайин портлатиб юборилган.

Кухна Бухородаги катор меъморий зиёратгоҳарнинг кайта таъмир этилиши, баъзи уринларда янгидаи курилиши Амир Темур номи билаи боғлик. Кулахин гумбази билан ажралиб турадиган мукаддас кадамжо — Чашмаи Айюб биноти ичкарасида уни Амир Темур 1380 йилда курдиргани кайд этилган. Кадимги Намозгоҳ — шаҳар ташкарасидаги сайиллар Утадиган жойдаги масжид ҳам Амир Темур амри билан таъмир этилиб, тартибга келтирилган. Бухоро чеккасидаги Сайфиддин Бохарзий ва Боёнкулихон макбаралари ҳам Амир Темур даврида тикланиб, атрофлари обод этилган. Амир Темур саъй-эхтимоми билан бунёд булган турли бинолар бошка шаҳарларда ҳам мавжуд. Занги ота макбараси (Тошкент вилояти). Занги ота — Яссавий муридларидан бирининг кунясидир. Унинг номи — Ойхужа Тошхужа угли. Бу авлиё Ҳаким ота номи билан машхур маърифатпарвар шоир Сулаймон Бокиргонийнинг шогирди булган. Макбара икки чорси хонадан иборат: олдида — зиёратхона, унинг ортида — гурхона. Иккала хона ҳам хар хил катталиқдаги гумбазлар билан боғланган. Зиёратхона устидаги баланд гумбаз айлана асосга, кейинги кичик гумбаз эса ун олти киррали пастрок асосга урнатилган. Макбара олд томонидаги пешток ва икки ёнидаги хона, хар билан куркамлашган: кошинкор беаюшр макбарага махобат бағишлаган. Ичкаридаги ок мармардан уймакорлик ва нақшлар билан безатилган кабртош диккатга сазовор. Унда Занги ота номига аталган марсия сатрлари хушхат езилган.

Пештокли кушгумбаз макбара ташки куриниши, бадий кошинкор безаклари билан Амир Темур даври меъморчилигининг ажойиб намунаси булиб қолади. Хожа Аҳмад Яссавий хоншоҳ-макбараси. Ҳазрат Аҳмад Яссавий истикомат килган. «хилват» турган ва, ниҳоят, хоки осойиш топган оромгоҳ манзил муборак Туркистон шадри замини неча-неча асрлардан бери мукаддас зиёратгоҳ булиб келмоқда. Меъморий мажмуа лойиха режаси роят санъаткорона тузилган. Ташки томонлаи Караганда махобатли ягона иморат деворлари тепасида учта йирик хажм диккатни жалб этади: кун чикарда — икки минорали баланд пешток уртада хонакоҳ усгидаги катта гумбаз, кунботарда эса макбара устидаги баланд ва бежирим пилтавор гумбаз. Кичик гумбаз шаклаи Самарканддаги Гури Мир макбарасининг машхур гумбазини эслатади. Макбарага турт томондан кириб, уртадаги мукаддас кабрни зиёрат этиш мумкин. Пешток айвони ичкарасида учта эшик бор, уртадаги ажойиб уймакор эшик, одатда, байрам тантаналарида очилган. Кундалик хизмат зарурати учун икки ёндаги муъжазрок уймакор эшиклардан фойдаланилган. Ичкарида улкан жамоатхона — гумбазли хонакоҳ тархи чорси. Асосий чорсура равондарининг кенглиги 7,2 метр. Зиёратхона турида макбара жойлашган.

Макбаранинг гарб томонида масжид, шарк томонида эса катта мехмонхона — катта Оксарой номи билан маълум. Унинг жанубида чоғрок хона — Кичик Оксарой. Бундан ташкари, кутубхона, ошхона каби махсус хоналар ҳам бор.

Хонакоҳ — макбара биносининг безаклари орасида ташки ва ички адабий ёзувлар алохида урин тутати: Куръони карим ва ҳадиси шарифлардан куплаб намуналар

келтирилган.

Бино ташкарисидаги девор ва гумбазлар либоси — конинкор, безаклари орасида купрок катта куфий усулида битилган монументал ёзувлар кузгаташланади. Макбара гумбази ости руласида улкан ёзувлар баландлиги 5 метрдан ортик. Улкаи бино деворининг (баландлиги 16 метр) тепасидаги хошиясига баландлиги 2.6 метр, узунлиги 163 метр булган хатти насх услубида Куръони каримнинг оятларидан анчагина намуналар ёзилган. Зиёратхона уртасига куйилган кирк кулокли козон хар жихатдан хам санъат асари сифатида диккатни узига тортади.

2.5. Боғ тузиш санъати

Мовароуннахр кадимдан богроглар мамлакати деб таърифлаб келинган. Унда бор тузишнинг анъаналари юксак ривожланган ва ажойиб намуналари булган. Окар сувли жаннатмакон боглар яратилган. Амир Темур даврида бог тузиш санъати узгача шукух касб этди. Шахсан Сохибкирон бу сохага алохида эътибор бериб, куплаб боглар яратгани маълум. Испан элчиси Бойсун тор тизмасидаги Темур капу номи билан машхур дарадан утар экан, тор ёнбагридаги «ажойиб бино»нинг кошинкор ва накши инкор безакларини хайрат билан кузатади. Испания элчиси Шахрисабздан Самаркандгача булган йул ёкаларидаги ва дорусалтанат теварагидаги диккатга сазовор богларни томоша килали. Клавихонинг сафар кундаликлари куп холларда мазкур богларнинг меъмортилиги хусусида мухим маълумотлар берганлиги сабабли куйида унинг тавсифларини келтирамиз.

Боги Жахоннамо-Тахти Корача. Шахрисабздан чиккан элчилар АмирТемурга карашли «катта уйда» тушлик килишди. «Бу уй анхор буйидаги текис ерда, улкан богуртасида кад ростлаб турарди». Бор Самарканддан 24 чакирим жанубда жойлашган хозирги Коратепа кишлоги якинида булган. «Самария»да айтилишича, Амир Темурнинг еттинчи боги Жахоннамо Ангор туманида булиб тог этагига якин ерда, Самарканднинг жанубида бино килингандир. Шарафуддин Али Яздий анхор буйидаги богни бошкача номда тасвирлайди: «Бог уртасида вокеъ булган кухбора устила эса бир каср куриш буюрилди. Бажарилиши вожиб булган бу амр ижро этилиб каср курилиб, битгач, унга «Тахти Корача» деб ном берилди.

Гулбог — Давлатобод. Самарканд жанубидаги Миср кишлогша тугаш бир богда тухтаган испан элчилари бир неча кун давомида богни кузатиш имконига эга булишди. Шунинг учун хам Давлатобод, баъзан Гулбог деб аталган борнинг туликрок, тавсифи сзиб колдирилган. «Бог атрофи пахса девор билан уралган булиб, девор айланаси туда бир лига (6 километр) баробар келарди. Богда анвойи мевали дарахтлар бор эди. Унда олтита ховуз булиб бог уртасидан анхор окиб утарди. Ховузлар баланд, серсоя дарахтлар каторидан хрсил булган йулак оркали бир-бирлари билан туташтирилган. Уша бу яшил йулак балаидлик томон кутарилган, серсоя йулар киялаб кетарди. Богда тупрокдан кутарилган, усти ёроч панжаралар билан уралган, текис баланд тепалик мавжуд. Унда ажойиб каср кад кутарган. Касрга тиллою, ложувард ва рангли кошинлар билан тукис ва мукамал сайкал берилган. Каср жойлашган мазкур тепалик атрофи сувга лиммолим хандак, билан уралган. Хаидакда узлуксиз сув окиб туради. Тепа устидаги саройнинг икки томонида унга утиладиган иккита куприк курилган. Куприкларнинг нариги тарафида иккита эшик бор. Эшикдан кирилгач, тепаликка зинапоядан кутарилади».

Давлатобод богининг колдиклари археологик ёдгорлик сифатида Дарром анхори ёкасида сакланиб колган. Бог тасвирида Амир Темур даврида айникса куплаб бунёд этилган махсус боглар тузилиши ва энг тор жойдаги каср-кушкнинг меъморий куриниши тулик ифодасини топган.

Элчилар Самарканд ташкарисидаги Бори Дилкушога келиб тушдилар. Бу манзил шахар атрофидаги энг катта ва куркам бордир. «Олтин хамда зангори кошинлар билан зеб берилган жуда кенг ва баланд дарвозадан бокка кирилади. Дарвоза

олдида найзалар билан куролланган посбонлар турар эдилар». Шарафуддин Али

Яздий «Зафарнома» да Боги Дилкушо хакида ниҳоятда кимматли маълумотлар келтирган:

«Кушкнинг току равоклари накшинкорий ва сиркор риштлар билан пардоз тоиди. Богнинг турт бурчагида катта маҳорат ва дид билан серхашам шийпонлар қурилди. Бог сахни чор-қирра ва бошқа турли хил шаклдаги чаманзор ва гулзорларга булинди. Амир Темур хиёбон йуллари четига мевали дарахтлар, баъзиларига эса гул утказишни хоҳларди. Бог унинг майлига муносиб булгани учун ҳам Амир Темур уни Боги Дилкушо деб атади.

Богнинг уртасида уч пештокли юсак кушк тиклалилар ва уни инсон нигоҳини лол қолдирувчи турфа накшлар билан безадилар, мустакам ва чидамли қурилган, безаклари турли-туман, чашки изораси шохона маҳобат бағишлар эди». Лойихаси Амир Темур томонидан гасдикланиб, унинг бажарилиши қурилиш давомида шахсан кузатиб борилган. Кушки Дилкушо ва улкан бог сохибжамол Туқалхонимга бағишланган эди. Бог ва кушкнинг ловруғи уша даврдаёқ афсонага айланган эди. Боги Дилкушо ва унинг кушки жойлашган манзил хакида аниқроқ маълумотни факат Заҳириддин Муҳаммад Бобур воқеаномасида учратамиз. «(Темурбек) Самарқанд шарқида икки солибдур. бириким, йироқдур. Боги Булдудур ёвқуроғи Боги Дилкушодур, Анлин Феруза дарвозасигача хиёбон қилиб, икки тарафда терак йиғочлари эктурубтур. Дилкушода ҳам улуг кушк солдурубтур, ул кушкта Темурбекнинг Хиндистон урушини тасвир қилибтурлар».

Дилкушо богининг тахминий манзили бирмунча аниқ нишонлар билан белгиланган. Риёсиддин Али уни «шаҳар ташқарисидаги бор» деб шаҳарга боғлаган бўлса, Шарафуддин Али Яздий уни Қонигил уланги сарҳадида жойлаштирган. Заҳириддин Бобур эса шарқий дарвоза — Ферузадан Дилкушо богига элтувчи теракзор хиёбонни тилга олган. Худди уша қадимги хиёбон буйлаб шарқ сари борар эканмиз, Қонигил сарҳадида бир ажойиб меъморий ёдгорлик олдидан чикдмиз. Бу дунёга Ишратхона номи билан ташхур меъморий ёдгорликдир. Ишратхона биноси Амир Темур назорати асосида қурилган Боги Дилкушо уртасида барпо этилган буюқ кушкнинг худди узгинаси экан.

Даставвал, Ишратхона — Дилкушо кушки ни дикхат билан кузатамиз. Унинг узида қурилиш даврини ва бино вазифасини тасдиқловчи ашёвий далиллар оз эмас. Бино асоси ганч қоришмада 27 х 21 х 6 сантиметр улчамдаги чорси гиштдан тикланган. Ташки либос — коплама риштлар улчами 25 х 25 х 5 сантиметр. Тилларанг сингги гиштлар орасидаги чоклар мовий қошин тасмаси билан хошиялангани учун ҳам девор сатҳи бежирим тусе олган. Пойдевор харсанг парчаларидан қутарилган. чуқурлиги 5 метр. Худди шундай бинокорлик ашёлари Амир Темур даври меъморчилиги асосини ташкил этган. Марказий чорси хона — меҳмонхона турт тарафи равокли турт шохнишинни ташкил этади. Усти турт равокнинг узаро қесишиши натижасида ироқи услубидаги мураккаб гумбаз боғланган. Изора эса нпсбатан баланд белгиланган. Марказий хона атрофидаги қушни хоналар икки қаватли. Шимол томонида қузикрок хона — ётоқхона вазифасини утаган. Жануб томони серхашам бостирмадан иборат. Бурчакларда чоғрок ёрдамчи хоналар бор. Марказий хонанинг турт чеккасидаги туртта айланма зина орқали болохона ва томга чиқиш мумкин. Хона тагида эса — саккиз бурчакли хонадан иборат сардоба бор. Хона деворлари тош тахталар билан безатилган. Марказий меҳмонхона хар жихатдан диккатш сазовор. Баланд изора нозик қошинлар билан безатилган. Узаро қесишган ироқи равокдар урамида накшин буртма безаклар — қундал кенг қулланилган. Катта хонанинг тушамаси мрамрдан, бошқа хоналарда — гиштлиқ. Кушкнинг олд томони уртасида баланд ва бежирим пешток мавжуд. Икки қанотида икки қават хоналар қатор тизилган. Бинонинг икки ён томонида қичик пешток-қари булган.

Узокдан баланд кук гумбаз кузга ташланади. Ишратхона шаклу шамойили билан маълум бог кушклари куринишини эслатади. Худди шунга ухшаш бинони Хирот шахридаги Бори Сафеднийг Тарабхона номи билан машхур кушки мисолида кузатиш мумкин. Шундай килиб, Дилкушо кушки - Ишратхона тимсолида Амир Темур даврида богдорлик санъати ва меъморчилигининг етук намунаси сифатида намоён булади.

Бог Чинор. Амир Темур Бори Дилкушодан унинг якинида янги бунёд этилган Боги Чинорга утади. Клавихо таърифига кура, бу «богли жуда хашаматли уй». Боги Чинорнинг каерда жойлашгани хозиргача аник эмас. Баъзи тадқиқотчилар бу бог Самарканднинг шимол томонида булган деб тахмин килишади. «Самария»да эса Боги Бихишт ва Боги Чинор шаҳарнинг кунчиқар томонида деб хато маълумот берилган. Бизнингча, Захириддин Бобур аник гуналишни курсатган: «Самарканднинг жанубида Боги Чинордур, калъага ёвуктур». Амир Темур кичик калъа-тошкурронда Мухаммад Султон маъракасани утказиб, янги макбара биносини кузатар экан, шу манзил якинидаги Боги Чинорга чикиб дам олгани маълум. Уша жойларнинг топонимикасини кузатсак, хозирги Намозгоҳох тоғи урни уша қадимги Боги Чиноринг узи деган хулосага келамиз.

Бог Шимол. Амир Темур Самарканднинг кунботарида Мироншоҳнинг кизи «олий ифбат сохиби Бека Султон номига атаб дилни ром этувчи баланд бир қаср ва гузал бир ишратгоҳ курсинлар». — деб кескин фармон берган. Шарафуддин Али Яздийнинг таъкид этишича, бу тадбирни амалга ошириш учун «Форс улқасининг барча вилоятлари, Ирок, Озарбойжон, Доруссалом (Бағдод) ва бошқа мамлакатлардан доруссалтана (Самарканд)га жамъ булган мохир муҳандислар, равшаи фпқрлн меъморлар қаершг тархини утқир фаросат калами билан махррат лавҳасига чиздилар». Чамаси бу гал ҳам мир Темур одатига кура меъмор-муҳандислар уртасида энг яхши лойиха учун танлов утқазилган. Қаср кушкининг меъморий тузилишига дойр маълумот ҳам бор: марказий хона тархи одатдагидек чорси-чортоқ, булиб, уртада яна туртта устун булган. Устунлар Табриздан келтирилган мрамрдан ясалган. Демак, меҳмонхона «чор устун» усдубида тарқиб топ-ган, устунлар узаро равоқлар орқалн бирлаштирилган, ҳосил булган тукқиз гумбазча бино тузилишига узига хос жозиба бахш этган. «Мустакам рукнларни бағоят маркам ва пухта килиб кутардилар. Хар бир рукнига Табриздан келтирилганлари мрамр тошдан ишланган биттадан устун урнатдилар. Деворлари сатхини ложувард ва олтин билан шундай ажойиб ва хайратомуз даражада гузал этиб нақшладиларки, уларнинг тароватидан Моний расмлари ва Чин ниғорхона-сини уяту хижолат губори коплади. Қасрнинг сахнига мрамр тошлардан ва Қухи Нур (Нурота)дан келтирилган тошлардан шундай чиройли килиб ётқиздиларки, уларнинг латофатидан бошдан хуш учиб, ақл хайрон қолади. Ташки деворнинг ичкари тарафидаги изорасини кошин билан безадилар». Биноқорлар жидду жаҳд билан бекиёс гайрат курсатиб кундуз ва кечаси узлуксиз ишлаганлар. Қаср бир ярим ой муддатда бунёд этилган ва шу муддат давомида Амир Темур бог ичига урнатилган улкан саропарда (шоҳона чодирда) истикомат килиб. Шимол кушкининг қурилишини шахсан кузатиб боради.

Бог Бихишт Амир Темур амрига биноан қурилган ва машхур чорбоқдир. Бу бог Самарканднинг кунботар томонида булган. Янги бог ва кушқни Клавихо «нихоятда гузал» деб таърифлайди: «Бу богнинг риштин ва нақшин, ложувард ва олтин билан безатилган баланд ва гузал дарвозаси бор. Бор нихоятда катта. Унда мева ва серсоя дарахтлар қуп. Егоч панжаралар билан ихоталанган хиёбон ва йулақлардан одамлар утиб туради.

Богда урнатилган қуплаб чодирлар ва қапалар гилам ва ранг-баранг шоди матолар, усти гулдор лахтақлар билан безатилган. Бог уртасида чортоқ қурилишидаги серҳашам безатилган жуда қуркам уй (кушқ) бор. Уйнинг ичида эса чорпоярлар қуйиш мумкин булган уч шоҳнишин мавжуд хона сахни ва деворлари кошинқор безатилган.

Уй турида энг катта шохнишин, унинг уртасида олтин-кумуш халли, кенглиги уч тирсак, баландлиги одам буйи хонтахта урнатилган, унинг олдида эса устма-уст ташланган зардузи бахмал ва бошка шохи матолардан тикилган курпачалар тушалган тахт». Сохибкирон шу ерда утиради, деворлар эса алвон ипак пардалар билан тусилган. Катта равокда пешгоҳда ҳам шундай парда осилиб турар, у ҳам найзасимон таёқларга осилган, безатилган, ипга осилган ипак попуқлари ергача тегиб турарди. Бошка равоклар эса узгача пардалар билан безатилган, хона сахнига эса буйра **устидан** шлам тушалган.

Бу уйнинг уртасида эшик каршисида турт оёкли иккита олтин хонтахта турар. хонтахталар ҳам, уларнинг оёқлари ҳам бир бутунлик касб этарди. Уларнинг узунлиги беш, кенглиги уч қарич эди.

Боги Нав. Клавихо Амир Темур курдирган яғи бог — Боги Навни шундай тасвирлайди. «Богнинг турт тарафи баланд деворлар билан уралган. ҳар бир (ташки) бурчагида г-уласимон бурж-минора. Девор жуда ҳам баланд ва безаклари худди миноралардаги каби. (Богнинг) уртасида катта чорток уй олдида сарховуз. Бу кушк бошка боглардаги шу каби бинолардан анчагина катта, олтин ва ложувард билан жуда мул безатилган». Сохибкирон томонидан алоҳида ихлос билан курдирилган яғи бог ҳар жихатдан мукамал булган. Шу боисдан бу манзилда шохона қабуллар утказилган. Бог Самарқанд Аркига шимол томондан яқин булган. Самарқанд теварагида Амир Темур бунёд эттирган бири-биридан гузал мукамал, жозибадор бог-роғлар уларнинг кушқу саройлари купинча аҳоли истироҳати учун очик булган. Шунинг учун булса керак, бу боглар таърифи афсоналарга айланган, бадий асарлардаги афсонадек боглар тавсифига киёс булган. Хуллас, Амир Темур даври Марказий Осиё меъморчилигида катта урин эгаллади, у яғи уелубий-бадий йуналишларга хаёт бахш этди. Маҳаллий усталар узга юртдан келганлар билан ҳамкорликда юксак бунёдкорлик памуналарини намоиш этдилар. "Турли мақсадларга мулжалланган кенг куламдаги иморат ва иншоотлар, қурилиши юксак днд билан бунёд этилган меъморий мажмуа-ансамблларнинг пайдо булиши. кошинкор ва нақшин безакларда ранг-баранг сирлар, буюқларнинг кулланиши, зеб-зийнатларнинг урнида ишлатилиши, уймакорликнинг кенг кулланиши, узаро мутаносиблик мазкур давр меъморчилигининг умумий сийрату киёфасини белгилайди. Амир Темур ва Темурийлар даврида лойиха тузиш санъати юксак поғонага кутарилди. Бухорода топилган XV аерга оид уста чизмалари фикримизнинг далилидир. Меъморчилик илми ҳам кенг ривожланди.

3. Хулоса

VI-VII асрлар яғни Самонийлар ва қорахонийлар даври ўз меъморчилик ансамбиллари билан ажралиб турган.

XIII-XIV асрлар Темурийлар даврида Ўрта Осиёда меъморчилик энг юқори чўққига чиққан вақт бўлиб, айниқса шаҳарсозлик масалаларда ўз даврининг буюк сохибқурони хомийлигида меъморчилик ривожланганлигидан далолат беради. Бу даврида жуда кўплаб тарихий обидалар. (Мадрасалар, кўприқлар, каналлар, боғ-роғлар,) меъмор усталар иштирокида амалга оширилган. Бу усталарнинг қурган бинолари бир бирига ўхшамас ва такрорламас обидалардан хисобланган.

Яна шуни тақидлаш лозимки қурилишда ишлатилган қурилиш материаллари (ғиштлар, ранг бўёқлар, фундамент материаллари) ханузгача ўз сир синоатлари билан ажралиб турадилар.

Мана 10-15 аср ўтибдики, бу тарихий обидалар ханузгача ўз ташқи қиёфаларини, кўркамлигини йўқотгани йўқ.

Хозирги даврда олимларимиз, тарихшуносларимиз бу санъат асарларини тиклаш, яғни реставрация қилиш, уларда ишлатилган қурилиш материалларини ўрганиш каби

ишларни олиб боришяпти.

Фойдаланилган адабиётлар

1. СН и П 1.02.01.-85 Инструкция о составе порядок разработки согласования и утверждения проектно сметной документации на строительство предприятий. Заний и сооружений-Москва. Госстрой 1986г.
2. Порядок организации и проведения Государственной экологической экспертизы.Руководящий документ «Охрана природы»Госкомприроды республики Узбекистан. Ташкент 1997г.
3. Дьяконов К.Н., Жаврониов Д.В. Экологическое проектирование и экспертиза. Москва. «Аспект Пресс» 2005 г.
4. Макаров С.В., Жаврониов Д.В. Сборник задач по курсу «Основы проектирования и экологическая экспертиза», Москва. «Дели» 1998 г.

Ўшимча

1. Торочешников Н.Н. и др. Техника защиты окружающей среды. М. 1985.
2. О состоянии окружающей природной среды и использование природных ресурсов в Республике Узбекистан. Национальный доклад Ташкент 2002 г.
3. Безотходное промышленное производство. ИТОЖ науки и техники. М. 1981-1985 гг.
4. Справочник-эколога-эксперта. Госкомприрода. 1997г.
5. Внуков А. К. Защита атмосферы от выбросов энергообъектов «Справочник» М. Энерго издат. 1992г.
6. Кудратов О. "Саноат экологияси" ўшув ўлланма Тошкент. «Ўшитувчи» 2005й.
7. РД 118.0027714.58-97. Охрана природы. Порядок организации и проведения Государственной экологической экспертизы. Госкомприрода Ташкент 1997 г.

Мундарижа

1. Кириш.....	2
2. Асосий қисм.....	3
2.1. Бинокорлик ашёлари.....	3
2.2. Шахрисабз- Амир Темур ватани.....	3
2.3. Самарқанд –Фирдавсмонанд доруссалтана.....	5
2.4. Амир Темур ва Темурийлар мақбараси.....	6
2.5. Боғ тузиш санъати.....	8
3. Хулоса.....	11
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	12